



20 20 у « 30 » сентябрь

№ Қ-548

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_ г

**Шеробод тумани “Кўхитанг” массиви “Қарабоғ” маҳалласи худудидан “Шеробод Шебен Завод” МЧЖга тош майдалаш цехи ўрнатиш ва тош қаърер учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонида асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 03-02/646-сон йиғилиш баёни, Шеробод тумани ҳокимининг 2020 йил 04 августдаги 05-01/943-сон хатини кўриб чиқиб,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 06-02/646-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Шеробод тумани “Кўхитанг” массиви “Қарабоғ” маҳалласи худудидан “Шеробод Шебен Завод” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 1113қ-дала контуридаги жами 5,6 гектар яйлов ер майдони, шундан 1,0 гектари тош майдалаш цехи ўрнатиш ва 4,6 гектари тош қаърер учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “Шеробод Шебен Завод” МЧЖ тош майдалаш цехи ўрнатиш ва тош қаърер мақсадида жами 5,6 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 93 212 112 (тўқсон уч миллион икки юз ўн икки минг бир юз ўн икки) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкнинг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Шеробод тумани ҳокимлиги (А.Амиров) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Сувонкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими

Т.Боболов

